



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 11 - dekabr

43 u -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Тумандаги “Шохида Зарнигор Зухра” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига қайтариб олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига асосан, “Шохида Зарнигор Зухра” фермер хўжалиги бошлиғи Ш.Курамбоевнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига қайтариб олишни сўраб туман ҳокими номига ёзган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосасини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Тумандаги “Шохида Зарнигор Зухра” фермер хўжалиги бошлиғи Ш.Курамбоевнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги туман ҳокими номига ёзган сўровномасини инобатга олиб “Шохида Зарнигор Зухра” фермер хўжалиги раҳбари билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномаси бекор қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан И.Дўсов ҳудудидаги “Шохида Зарнигор Зухра” фермер хўжалигига ижарага ажратиб берилган 649 - контурдаги жами 1,15 гектар, шундан 1,1 гектар мева боғи, 0,05 гектар гектар ариқ ва зовурлар остидаги ерлардан иборат бўлган ер майдони туман ер захира фондига қайтарилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев) И.Дўсов худудидаги “Шохида Зарнигор Зухра” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларини қонунда белгиланган тартибда туман ер захира фондига қайтарилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан И.Дўсов худудидан туман ер захира фондига қайтариб олинган ер майдони танловга қўйилсин.

5. Туманда фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси (Э.Худайберганов)га туман ер захира фондига қайтариб олинган ер участкаси бўйича белгиланган тартибда танлов ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Боғот тумани ҳокими  
васифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**